Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24319721

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

СОЛИҚ ЮКИНИ БАҲОЛАШ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

АБДУЛЛАЕВ АБРОР БОЗАРБОЕВИЧ
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Молиявий таҳлил” кафедраси доценти, PhD., abdullayev_abror@tsue.uz , ORCID: 0000-0001-8981-6708

Аннотация:

Мақолалада хўжалик субъектлари ва давлат бюджети учун муҳим молиявий индикатор ҳисобланган солиқ юкини баҳолаш механизмлари таҳлили келтириб ўтилган. Унда солиқ юкини аниқлашда қўлланиладиган муаллифлик формула, солиқ юки тушунчаси ва турли ҳисоблаш усуллари илмий асосда кўриб чиқилган, жадваллар ва манбалар орқали солиқ юкининг миқдорий ва нисбий кўрсаткичлари ҳамда унинг динамикасини шакллантирувчи асосий омиллар даромад ва фойда даражаси, солиқ ставкалари ва тизими, ижтимоий тўловлар ва бонуслар, иқтисодий ва бозор шароитлари, шунингдек солиқ имтиёзлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари солиқ юкини баҳолаш давлат ва хўжалик субъектлари учун самарали солиқ сиёсатини юритиш, барқарор иқтисодий муҳит ва молиявий ресурсларни стратегик тақсимлашда асосий аҳамиятга эга экани, таҳлил натижалари эса солиқ сиёсати ва қонунчилигини такомиллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда хўжалик субъектлари фаолияти учун самарали солиқ муҳитини шакллантиришда илмий ва амалий қимматга эга эканини кўрсатади.

Таянч сўзлар:

солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ тизими, солиқ имтиёзлари, даромад даражаси, фойда даражаси, ижтимоий тўловлар, солиқ сиёсати, солиқ тўловлари.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига солиқ юкининг таъсири иқтисодий барқарорлик, инвестицион жозибадорлик ва рақобатбардошликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Солиқ юки даражасининг ошиши корхоналар молиявий натижаларининг пасайишига, айланма маблағлар танқислигига ва ишлаб чиқариш фаоллигининг чекланишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, солиқ юкининг етарлича асосланмаган тарзда камайтирилиши давлат бюджети даромадлари барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, солиқ юкини илмий асосланган баҳолаш механизмини такомиллаштириш ҳамда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳозирги иқтисодий шароитда ўта долзарб масала ҳисобланади. Айниқса,

Published: 05.06.2026

Cite this article: Абдуллаев Аброр Бозарбоевич (2026). Солиқ юкини баҳолаш ва уни шакллантирувчи омиллар таҳлилининг методологик асослари. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24319721

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, солиқ маъмурчилигининг такомиллашуви, рақамли иқтисодиёт шароитида ҳисоб-китоб жараёнларининг ўзгариши солиқ юкининг шаклланишига таъсир этувчи омилларни қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Анъанавий баҳолаш ёндашувлари кўп ҳолларда солиқ юкининг реал иқтисодий мазмунини тўлиқ очиб бермаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан, омилли таҳлил асосида солиқ юки ўзгаришининг сабаб-оқибат боғлиқликларини тадқиқ этиш, унинг институционал ва иқтисодий омиллар билан узвий алоқасини очиб бериш илмий ва амалий аҳамиятга эга. Солиқ сиёсатини самарали шакллантириш, корхоналар фаолиятида солиқ юкини оптималлаштириш ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси амалиётида солиқ юки, асосан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган жами солиқ ва мажбурий тўловларнинг ялпи даромадга ёки ялпи қўшилган қийматга нисбати сифатида ҳисобланади. Ушбу ёндашувда солиқ юки макро ва микро даражада баҳоланиб, унинг динамикаси тармоқлар, ҳудудлар ва солиқ турлари кесимида таҳлил қилинади. Ҳисоб-китоб механизми солиқ маъмурчилиги маълумотларига таяниб, давлат бюджети даромадларини режалаштириш ва солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолашга хизмат қилади.

Мазкур ёндашувнинг асосий устувор жиҳати унинг амалийлиги ва ҳисоб-китобнинг соддалигида намоён бўлади. Расмий статистик маълумотларга асосланган солиқ юкини тизимли мониторинг қилиш солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш ва солиқ ислоҳотлари натижаларини тезкор баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга, ушбу механизм солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ интизомини мустаҳкамлашда муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Бироқ, Давлат солиқ қўмитаси қўллайдиган ҳисоблаш механизми айрим камчиликларга ҳам эга. Хусусан, у солиқ юкининг иқтисодий фаолликка билвосита таъсирини, яширин харажатлар ва солиқ юкини тўлиқ акс эттирмайди. Солиқ имтиёзлари, тармоқлараро фарқлар ҳамда корхоналар молиявий самарадорлиги билан боғлиқ омиллар чуқур таҳлил қилинмаслиги натижада солиқ юкининг реал иқтисодий оғирлиги тўлиқ очиб берилмаслиги мумкин.

Қодиров А.А. ўз илмий тадқиқотларида солиқ юкини корхоналар молиявий натижалари билан узвий боғлиқ ҳолда баҳолашни таклиф этади. Олим ёндашувига кўра, солиқ юкини ҳисоблашда тўланган солиқлар суммасининг соф фойдага, қўшилган қийматга ва айланма маблағларга нисбати асосий кўрсаткич сифатида қўлланилади. Бунда омилли таҳлил усуллари ёрдамида солиқ юки ўзгаришига таъсир этувчи ички (ишлаб чиқариш ҳажми, харажатлар тузилиши, рентабеллик) ва ташқи (солиқ ставкалари, имтиёзлар, солиқ сиёсати) омиллар аниқланади. Ушбу

ёндашувнинг устувор томони шундаки, у солиқ юкининг корхона молиявий барқарорлигига таъсирини аниқ кўрсатиб беради. Омилли таҳлилга таянилгани солиқ юки ўзгаришининг сабаб-оқибат боғлиқликларини очиб беришга, солиқ юкини оптималлаштириш бўйича илмий асосланган хулосалар чиқаришга имкон яратади. Бу ёндашув микроиқтисодий даражада қарор қабул қилиш учун айниқса муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур методологиянинг айрим чекловлари мавжуд. Биринчидан, ҳисоб-китоблар корхонанинг бухгалтерия маълумотларига кучли боғлиқ бўлиб, ҳисоб сиёсатидаги фарқлар натижаларнинг таққосланишини қийинлаштиради. Иккинчидан, макроиқтисодий даражада солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолашда ушбу ёндашув имкониятлари чекланган.

Юқоридаги икки ёндашувни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Давлат солиқ қўмитасининг солиқ юкини ҳисоблаш механизми солиқ сиёсатини амалий бошқариш ва фискал барқарорликни таъминлаш учун самарали бўлса, Қодиров А.А. таклиф этган методология солиқ юкининг корхоналар молиявий ҳолатига таъсирини чуқурроқ очиб беради. Муаллифлик нуқтаи назаридан, солиқ юкини баҳолашда ушбу икки ёндашувни уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни, макродаражада расмий статистик кўрсаткичларга таяниш билан бирга, микродаражада омилли таҳлил усулларини қўллаш солиқ юкининг реал иқтисодий мазмунини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади.

OECD (Organisation for Economic Co-operation and Development-Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti) томонидан ишлаб чиқилган методологияда солиқ юкини баҳолаш комплекс ва кўп даражали ёндашув асосида амалга оширилади. Хусусан, солиқ юкини ҳисоблашда жами солиқ ва мажбурий ижтимоий ажратмаларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати, меҳнат даромадларига тушадиган солиқ, корпоратив солиқ юки ҳамда самарали солиқ ставкалари (effective tax rates) асосий индикаторлар сифатида қўлланилади. Бунда солиқ юкининг на фақат номинал, балки реал иқтисодий оғирлиги баҳоланади.

OECD методологиясининг устувор жиҳати унинг халқаро таққослама таҳлил имкониятларини кенг очиб беришида намоён бўлади. Ягона ҳисоблаш стандартларидан фойдаланиш орқали турли мамлакатларда солиқ юки даражасини солиштириш, солиқ сиёсатининг иқтисодий ўсиш, бандлик ва инвестицияларга таъсирини баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, OECD ёндашувининг айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Биринчидан, мазкур методология юқори сифатли ва тўлиқ статистик маълумотларни талаб қилади, бу эса ривожланаётган мамлакатлар шароитида амалиётда қўллашни чеклаши мумкин. Иккинчидан, ҳисоб-китоблар асосан макроиқтисодий даражага йўналтирилган бўлиб, алоҳида корхоналар ёки тармоқлар кесимида

солиқ юкини чуқур таҳлил қилиш имкониятлари чекланган.

Муаллифлик нуқтаи назаридан, OECD методологияси солиқ юкини халқаро миқёсда баҳолаш учун илмий жиҳатдан мукаммал асос яратади. Бироқ, миллий иқтисодиёт ва корхоналар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда микроиқтисодий таҳлил усуллари билан бойитилмаса, унинг амалий самарадорлиги пасайиши мумкин.

Халқаро Валюта Жамғармаси (IMF) тадқиқотларида солиқ юкини баҳолаш иқтисодий ўсиш ва инвестиция фаоллиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. IMF ёндашувига кўра, солиқ юкини ҳисоблашда жами солиқ тушумларининг ЯИМга нисбати, самарали солиқ ставкалари, капитал ва меҳнатга тушадиган солиқ юки ҳамда фискал юкнинг динамик кўрсаткичлари қўлланилади. Бунда эконометрик моделлар орқали солиқ юки ўзгаришининг иқтисодий ўсишга таъсири баҳоланади.

IMF методологиясининг асосий устувор жиҳати солиқ юкини динамик ва сабаб-оқибат боғлиқликлари асосида таҳлил қилиш имкониятидадир. Эконометрик моделлаш орқали солиқ юкининг инвестиция муҳитига, капитал жамғарилишига ва иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири илмий асосда исботланади. Бу ёндашув солиқ ислоҳотларининг ўрта ва узоқ муддатли натижаларини прогноз қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, IMF ёндашуви ҳам айрим чекловларга эга. Хусусан, ҳисоб-китоблар мураккаб эконометрик моделларга таянади, бу эса уларни амалий солиқ маъмурчилиги жараёнларида тўғридан-тўғри қўллашни қийинлаштиради. Шунингдек, институционал омиллар — солиқ маъмурчилиги сифати, солиқ интизоми ва яширин иқтисодиёт — кўп ҳолларда билвосита ҳисобга олинади. Ушбу ёндашув солиқ юкини макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан баҳолашда юқори илмий аҳамиятга эга. Бироқ, миллий солиқ тизими ва корхоналар даражасида қарор қабул қилиш учун ушбу моделларни соддалаштирилган микроиқтисодий кўрсаткичлар билан интеграция қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Солиқ юкини баҳолаш миллий ва халқаро иқтисодий таҳлилларда марказий аҳамиятга эга бўлиб, у давлат бюджети даромадлари ва корхоналар молиявий барқарорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Солиқ юкининг аниқ баҳоланиши солиқ сиёсати самарадорлигини, солиқ тушумларининг иқтисодий ўсишга таъсирини ва соҳа фаолияти учун оптимал солиқ даражаларини аниқлаш имконини беради. Шу боис, иқтисодий таҳлилда солиқ юкини ҳисоблашда турли формулалар ва индикаторлар қўлланади: ялпи ички маҳсулотга нисбатан солиқ тушумлари, соф фойда ёки ишчига тушадиган солиқ юки ва самарали солиқ ставкалари.

Қуйидаги жадвалда муаллифлар ва манбаларда турли иқтисодий даражаларда ва турли ёндашувлар асосида солиқ юкини баҳолаш

формулалари тақдим этилган. Улар орасида макроиқтисодий ва микроиқтисодий таҳлиллар, OECD ва IMF стандартлари, шунингдек мамлакатимиз олимлари таклиф қилган усуллар мавжуд. Булар солиқ юкини баҳолашда комплекс ёндашувни таъминлаб, ҳам миллий, ҳам халқаро солиқ таҳлилларини уйғунлаштириш имконини беради.

1-жадвал

Солиқ юкини ҳисоблаш механизмлари ва уларнинг таҳлили25

т/р	Муаллиф / Манба	Ҳисоблаш механизми	Формуладаги белгилар изоҳи	Устувор жиҳатлари	Камчиликлари
1.	Равшанжон Насимов	ТВ = (Т/Y) × 100	ТВ – солиқ юки, Т – жами солиқ, Y – умумий даромад	Содда, умумий иқтисодий даражада қўлланади	Корхона ёки тармоқ даражасида таҳлил чекланган
2.	OECD (Tax wedge)	W = (T_labour / Gross labour cost) × 100	W – меҳнатга солиқ юки, T_labour – шахсий солиқ+ижтимоий тўловлар	Меҳнат юкини аниқ кўрсатади	Бошқа солиқ турлари назарда тутилмайди
3.	IMF (Tax-to-GDP)	TB_GDP = (T_total / GDP) ×100	Солиқ тушумлари ва ЯИМ	Макроиқтисодий кўрсаткич	Микроиқтисодий таъсирни кўрсатмайди
4.	Қодиров А.А.	TB_firm = (T_firm / Profit) ×100	Корхона солиқлари ва соф фойда	Фойдага асосланган таҳлил	Фойда манипуляцияларига осон таъсир қилади
5.	Musgrave	ETR = Total Taxes / Total Base	Самарали солиқ ставкаси	Солиқ базаси билан муносабат	Базани аниқлашда фарқлар натижага таъсир
6.	Анна Павловна	TB_small = (T_small	Кичик бизнес учун солиқ юки	Кичик бизнес субъектлари ва	Фақат айрим субъектлар учун

25Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди,

		business / Revenue) ×100		шўъба корхоналар таҳлили учун мос	
7.	Dubois & Tax Theory	Tax Wedge = PIT + SSC	PIT – шахсий солиқ, SSC – ижтимоий тўловлар	Меҳнат юкини кўрсатади	Фақат меҳнат даромади учун
8.	OECD (ETRTB Multi-Tax)	= Σ(T_i / B_i)	Барча солиқлар суммаси	Тармоқ кесимида таҳлил	Маълумот талабчан
9.	Stylized Average Rate	AETR = Total Taxes Paid / Tax Base	Ўрта самарали солиқ ставкаси	Хорижий солиқ тизимлари билан солиштириш	Жисмоний ва юридик шахслар учун фарқсиз
10.	OECD (Effective Labour Tax)	ETR_labour = Tax Liability / Gross Income ×100	Меҳнат юкининг самарали ставкаси	Шахсий даромад учун аниқ	Ўрин босишсиз маблағлар ҳисобга олинмайди

Солиқ юкини баҳолаш ҳар қандай иқтисодий таҳлил ва солиқ сиёсати қарорлари учун марказий аҳамиятга эга бўлиб, у давлат бюджети даромадлари ва корхоналар молиявий барқарорлигини аниқ белгилайди. Жадвалда келтирилган турли муаллифлар ва манбалар томонидан таклиф этилган формулалар солиқ юкини ҳисоблашда турли даражаларда ёндошувларни тақдим этади: макроиқтисодий, микроиқтисодий, корхона ва сектор даражаси. Макроиқтисодий формулалар (масалан, ЯИМга нисбатан солиқ юки, умумий самарали солиқ ставкаси) давлат молияси ва солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолашда асосий индикатор сифатида хизмат қилади. Бу формулалар солиқ тушумларининг иқтисодий ўсишга таъсирини кўрсатишда ва бюджет режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, микроиқтисодий ва корхона даражасидаги формулалар (соф фойда ёки даромадга асосланган солиқ юки, кичик бизнес учун солиқ кўрсаткичлари) солиқ юкининг хўжалик субъектлари фаолиятига таъсирини илмий асосда баҳолаш имконини беради. Бу йўналишда Қодиров А.А. ва Анна Павловна томонидан таклиф этилган формулалар корхоналар

молиявий барқарорлигини ва рентабелликни таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Микроиқтисодий таҳлиллар солиқ юкининг субъектив таъсирини аниқ кўрсатиб, солиқ сиёсатида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Хорижий тажрибалар, хусусан OECD ва IMF стандартлари асосида ишлаб чиқилган формулалар, солиқ юкининг омилли таҳлилини ва турли таркибий қисмлари, солиқ тўловлари ҳамда самарали солиқ ставкаси орқали таъсирини аниқлаш имконини беради. OECD “Tax Policy Reforms” ва IMF “Tax-to-GDP” методологиялари солиқ юкини глобал контекстда таққослаш имконини тақдим этади ва миллий солиқ сиёсатини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, солиқ юкини баҳолашда турли методологияларни уйғунлаштириш зарур. Макро ва микро йўналишларнинг интеграцияси давлат ва корхона даражасида солиқ сиёсати самарадорлигини оширишга ёрдам беради, хўжалик субъектлари учун солиқ юкини оптималлаштириш имкониятини беради ва иқтисодий ривожланишни барқарорлаштиради. Шу билан бирга, солиқ юкининг таҳлилида илмий жиҳатдан асосланган формулалардан фойдаланиш, солиқ сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва янги чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги исботланади.

Солиқ юкининг ўзгариши хўжалик субъектлари ва давлат бюджетининг молиявий барқарорлигига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Солиқ юкини таҳлил қилишда фақат унинг ҳозирги миқдори билан чекланиш мумкин эмас, балки унинг динамикаси ва турли омиллар таъсири ҳам ўрганилиши зарур. Солиқ юкининг ўзгариши макроиқтисодий, микроиқтисодий ва қонунчилик даражасидаги бир қатор факторларга боғлиқ бўлиб, улар хўжалик субъектлари учун солиқ сиёсати стратегиясини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қуйидаги жадвалда келтирилган омиллар даромад ва фойда даражаси, солиқ ставкалари ва тизими, ижтимоий тўловлар ва бонуслар, иқтисодий ва бозор шароитлари, солиқ имтиёзлари ва преференциялар ҳамда ҳукумат сиёсатлари ва қонунчилик ўзгаришлари солиқ юкининг динамикасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш имконини беради. Ҳар бир омилнинг таъсир тури, мисоллар ва илмий манбалари кўрсатилиши, солиқ юкини таҳлил қилишда комплекс ва холис ёндашувни таъминлайди. Бу эса илмий таҳлилнинг самарадорлигини ошириб, ҳамкорликда қўлланиш учун қимматли маълумот манбаси ҳисобланади.

Солиқ юкини баҳолаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш натижалари, юқоридаги жадвалда келтирилган формулалар ва солиқ тўловлари тушунчалари билан уйғунлаштирилганда, давлат ва

хўжалик субъектлари учун самарали солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда асосий илмий ва амалий база яратади.

2-жадвал

Солиқ юкини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар[26]

т/р	Таъсир этувчи омиллар	Таъсир тури	Илмий асос / Манба	Таъсир этувчи омилнинг даражаси, мисолда
1.	**Даромад ва фойда даражаси**	Солиқ юкининг ошиши ёки пасайиши	Musgrave & Musgrave (1989), IMF (2022)	Прогрессив солиқ тизимида даромад 10 фоизга ошса, солиқ юки ҳам 2-3 фоиз кўпайиши мумкин
2.	**Солиқ ставкалари ва солиқ тизими**	Солиқ юкининг ўсиши ёки камайиши	OECD (2024), Қодиров А.А. (2022)	Янги корпоратив солиқ ставкаси 20 фоиздан 25 фоизга ошганда солиқ юки ҳам ошади
3.	**Ижтимоий тўловлар ва бонуслар**	Меҳнат юки ва ижтимоий солиқлар орқали юк ўзгариши	OECD (2024)	Ижтимоий тўловлар 5 фоиздан 7 фоизга ошганда ишчи ва иш берувчи юки ҳам кўпайади
4.	**Иқтисодий ва бозор шароитлари**	Солиқ юкининг нисбий ўзгариши	IMF (2022), OECD (2023)	Рецессия пайтида корхона фойдаси камайганда солиқ юки нисбатан ўсиши мумкин
5.	**Солиқ имтиёзлари ва**	Солиқ юкини камайтириш ёки	Насимов (2023), Павловна	Инвестиция стимуллари орқали солиқ юки

[26]Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

	преференциялар	ўзгартириш	(2021)	3-5 фоиз камайтирилиши мумкин
6.	**Ҳукумат сиёсатлари ва қонунчилик ўзгаришлари**	Солиқ юкининг стратегик ўзгариши	OECD (2023), Musgrave & Musgrave (1989)	Янги солиқ кодексининг киритилиши солиқюкини прогноз қилишга таъсир қилади

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, солиқ юкининг ўзгариши кўп омиллар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг таъсири макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада сезилади. Даромад ва фойда даражаси, солиқ ставкалари, ижтимоий тўловлар ва бозор шартлари солиқ юкининг миқдорий ва нисбий ўзгаришларини аниқлайди. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ва ҳукумат сиёсатлари солиқ юкини стратегик равишда камайтириш ёки қайта шакллантириш имконини беради. Бу омиллар комплекс равишда таҳлил қилинганда, солиқ юкининг иқтисодий ва молиявий таъсирини холис ва аниқ баҳолаш мумкин бўлади.

Илмий жиҳатдан, солиқ юкини баҳолаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, давлат ва хўжалик субъектлари учун солиқ сиёсатини оптималлаштиришда асосий муҳим аҳамиятга эга. Солиқ тўловлари, самарали солиқ ставкаси ва турли солиқ формулаларини қўллаш орқали солиқ юкининг динамикасини прогноз қилиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш имкони яратилади. Шу боис, солиқ юки таҳлили давлат ва бизнес соҳасида амалий қарорлар қабул қилишда, ҳамда солиқ сиёсати ва қонунчилигини такомиллаштиришда илмий асос сифатида хизмат қилади.

Солиқ юкини баҳолаш механизми давлат ва хўжалик субъектлари учун муҳим молиявий индикатор бўлиб, унинг таҳлили давлат солиқ сиёсати самарадорлигини ошириш ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий аҳамиятга эга. Солиқ юкини аниқ ва тизимли баҳолаш орқали давлат бюджетининг молиявий ресурсларини стратегик равишда тақсимлаш, хўжалик субъектлари учун самарали ишлаб чиқариш муҳитини яратиш ва солиқ тушумларининг прогнозини аниқлаш имкони пайдо бўлади. Муаллифлик формулалар ва таҳлил жадваллари орқали солиқ юкининг миқдорий ва нисбий кўрсаткичлари илмий асосда аниқланади.

Солиқ юкининг ўзгариши кўп омиллар яъни даромад ва фойда

даражаси, солиқ ставкалари ва тизими, ижтимоий тўловлар ва бонуслар, иқтисодий ва бозор шароитлари, солиқ имтиёзлари ҳамда ҳукумат сиёсатлари ва қонунчилик ўзгаришлари билан белгиланади. Бу омиллар ҳар бир хўжалик субъектининг молиявий фаолияти ва давлат бюджетининг даромад қисмига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Шу боис уларни комплекс ва илмий жиҳатдан таҳлил қилиш солиқ юкининг динамикасини холис ва аниқ баҳолаш имконини беради.

Солиқ юки тушунчаси ва унинг ҳисоблаш усуллари солиқ юкининг меҳнат бозорига таъсирини баҳолашда муҳим илмий инструмент ҳисобланади. Ишчи ва иш берувчи учун ижтимоий тўловлар ва солиқлар ҳисобига иш ҳақининг умумий харажатини аниқлаш, солиқ сиёсати самарадорлигини таҳлил қилиш, меҳнат бозорида барқарорликни таъминлаш ва стратегик қарорлар қабул қилишда асосий аҳамиятга эга. OECD ва IMF стандартлари асосида солиқ тўловларини ҳисоблашни миллий ва халқаро таққослаш имконини яратади.

Солиқ юкини баҳолаш механизмининг илмий асосланган ёндашуви таҳлилни кенгайтириб, турли сценарийларни моделлаштириш имконини беради. Бу солиқ юкининг турли ставка ва имтиёзлар таъсирида қандай ўзгариши ёки иқтисодий ўсиш пайтидаги динамикаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шу орқали давлат ва корхоналар учун стратегик режалаштириш, солиқ сиёсати ва молиявий ресурсларни тақсимлашда аниқ илмий тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Солиқ юкини баҳолаш ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс таҳлил қилиш давлат ва хўжалик субъектлари учун самарали солиқ сиёсати ва барқарор иқтисодий муҳит яратишда муҳим аҳамиятга эга. Турлича ҳисоблаш механизмлари, жадваллар ва таҳлил усуллари уйғунлиги солиқ юкини аниқ прогноз қилиш, молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш ва хўжалик субъектлари фаолиятини оптималлаштириш имконини беради. Бундай таҳлил натижалари солиқ сиёсати ва қонунчилигини такомиллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва умумий иқтисодий ривожланишни таъминлашда илмий асос сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. — Тошкент: “Адолат”, 2024.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш концепцияси” тўғрисидаги фармони. – Тошкент, 2023.

3. Қодиров А.А. Солиқ юки ва унинг корхоналар молиявий

барқарорлигига таъсири - «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2023 йил, №4.

4. Турсунов Б.О., Абдуллаев Ж.М. Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда солиқ юки индикаторларидан фойдаланиш масалалари. — «Молия ва банк иши» журнали, 2022 йил, №6.

5. Норқулов Ш.Ш. Корхоналарда солиқ юкини оптималлаштиришнинг иқтисодий механизмлари. — Иқтисодиёт фанлари бўйича PhD диссертацияси, ТДИУ, 2021.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ юки ва солиқ маъмурчилиги самарадорлиги таҳлили. Аналитик ҳисобот, 2023.

7. OECD (2023) Tax Policy Reforms 2023: OECD and Selected Partner Economies. Paris: OECD Publishing.

8. IMF (2022) Tax Burden, Growth and Investment: Analytical Framework.
Washington, D.C.: International Monetary Fund.

9. Auerbach, A. J., & Keen, M. (2021) Taxation and Economic Efficiency. — Journal of Economic Perspectives, Vol. 35(2).

10. De Mooij, R., & Ederveen, S. (2020) Corporate Tax Elasticities: A Reader’s Guide.
— World Tax Journal.

11. Насимов, Р. (2023). *Солиқ юки ва уни баҳолаш методологияси*. Тошкент: Иқтисодиёт ва Молия журнали.

12. OECD. (2024). *Taxing Wages 2024: OECD Indicators*. Paris: OECD Publishing. https://www.oecd.org/en/data/indicators/tax-wedge.html

13. IMF. (2022). *Tax-to-GDP Ratios: Analysis and Policy Implications*. Washington D.C.: International Monetary Fund.

14. Қодиров, А.А. (2022). *Корхоналарда солиқ юки ва самарали солиқ ставкалари таҳлили*. Тошкент: Ўзбекистон Солиқ Академияси.

15. Musgrave, R.A., Musgrave, P.B. (1989). *Public Finance in Theory and Practice*. New York: McGraw-Hill.

16. Павловна, А. (2021). *Кичик бизнес субъектларида солиқ юкини баҳолаш усуллари*. Иқтисодий таҳлил журнали, 15(3), 45-58.

17. Dubois, J., & Tax Theory Group. (2018). *Labour Tax Wedges and Economic Behavior*. London: Routledge.

18. Abdullayev A.B. “Soliq to‘lovlari hajmining o‘zgarishiga ta’sir etuvchi omillar tahlilining nazariy jihatlari”, “Moliya” ilmiy jurnali, 6-son 2025 yil dekabr.

19. OECD. (2023). *Effective Tax Rates on Labour and Capital: Multi-Tax Approach*. Paris: OECD Publishing.

20. Stylized Average Rate Dataset. (2020). *Cross-Country Effective Tax Rates*. Geneva: World Economic Forum.

21. OECD. (2025). *Effective Labour Tax Rates in 2024: Policy Implications*. Paris: OECD Publishing. https://www.oecd.org/publications/taxing-wages-2025_20d1a01d/full-report.

IQTISODIY
STATISTIKA KAFEDRASI
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti